

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда ҳимоя қилиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида, шу жумладан, агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳамда шартномалар тузишда, маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилишда ҳар томонлама қўмаклашиш;

қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда самарали фаолият юритаётган

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини рағбатлантириш, фаолиятида камчиликларга йўл қўётган ер эгаларига нисбатан жамоатчилик йўли билан таъсир чораларини кўриш;

соҳада замонавий ресурс тежовчи илғор агротехнологияларни, муқобил энергия воситаларини, шунингдек, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қўмаклашиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда бевосита иштирок этиш;

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш юзасидан амалий чоралар кўриш, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган намунавий фермер хўжаликларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш;

қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматини, шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сотиш, таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг бошқа ташкилотлар билан кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтириш, бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш;

қишлоқ жойларда аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланиш, шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш.

Давоми 2-бетда. ➡

Made in Uzbekistan

"AZALEA GARMENT" масъулияти чекланган жамияти ҳақида эшитганмисиз? У Пискент туманидаги тикув фабрикаси. Унинг махсус савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари жаҳон бозорларидан муносиб жой олган. Фабрикага бундай ном берилиши эса бежиз эмас...

ХАЙРЛИ МАҚСАД, ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

"AZALEA" аслида Европа мамлакатларида ўсадиган, дунёга машҳур гул бўлиб, у ҳақида турли афсоналар бор. Бироқ, у бошқа гуллардан чиروي ва узоқ гуллаши, шунингдек, иссиқ, совуққа чидамлилиги, бардошлилиги билан ажралиб туради.

— Ишимиз доим гуллаб-яшнаши учун шу номни маъқул кўрдик, — дейди қорхона раҳбари Ҳамидулла Абдуллаев. — Албатта, бу рамзий маъно, аммо мақсад ўша-ўша. Шукрки, ниятимиз ижобат бўлди.

Давоми 3-бетда. ➡



Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Вилоят ҳокимлиги, фаоллар ва зиёлиларнинг вилоятимиз аҳлига МУРОЖААТИ

Азиз ҳамюртлар!

Бугун вилоятимизнинг уфққа туташ минглаб гектар пахтазорларидаги мўл ҳосил баракаси кўзни яшнатмоқда, қалбларга шукроналик ҳиссини солмоқда. Бинобарин, жаҳон бозоридида ўзбек пахтасига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳамisha юқори бўлиб келган.

Ўша меҳнатлаб экинлигини яхши биламиз. У деҳқоннинг қалб кўри, кўз нури ва қайноқ меҳридан қувват олиб яшнайди, унинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қилган фидокорона меҳнати туфайли мўл ҳосил беради.

Мана, саховатли куз фаслининг иккинчи ойи ҳам ўтиб бормоқда. Одатда, бу паллалар деҳқоннинг пешона тери чинакам қадру баҳосини топадиган, йил-ўн икки ойлик меҳнати самараси тарозуга қўйиладиган, таъбир жоиз бўлса, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайтлар ҳисобланади.

Шундай масъулиятли дамда барчанинг диққат-эътибори юрт бойлиги бўлган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, мавсумни тезроқ якунлашга қаратилиши табиий. Негаки, куз об-ҳавоси ўзгарувчан. Ғура-сатний ганимат билмасак, ишни тизимли ва оқилона ташкил этмасак, тиллога тенг имко-

ниятларни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Халқимизда "Ҳашар — элга ярашар", деган гап бор. Юртдошларимиз ҳамisha пахтани сўнгги мисқолигача йиғиб-териб олишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга одатланишган. Бундай паллада деҳқонларимиз ёлғизланиб қолмайдилар.

Олтин кузнинг кейинги кунлари кўёшли, илқ бўлиши кутилмоқда. Демак, ҳосилни тез, сифатли ва нобудгарчиликсиз йиғиштириб олишнинг айна мавриди. Бугун пахтазорда астойдил меҳнат қилган киши терим учун яхшигина ҳақ олаётти. Бироқ, таҳлил ва кузатувлар кўп ҳолларда юртдошларимизда ҳануз эскича фикрлаш, айниқса, боқимандалик, боқибегалик кайфияти мавжуд эканини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, бир килограмм пахта терими учун энг камида 500 сўмдан ҳақ тўланаётти. Бу эса, табиийки, мавсумда қилинган самарали меҳнат оиланинг даромадида баракали ҳисса бўлиб қўшилиди, дегандир.

Бундан ташқари, мавсум илгорларини, теримда шахсий ташаббус ва намуна кўрсатаётган меҳнатқашларни терим пули билан бир қаторда қўшимча рағбатлантириш бўйича ҳам комплекс чоралар ишлаб чиқилгани ва амалга татбиқ эти-

лаётганидан, ўйлаймизки, яхши хабардорсиз.

Шундай масъулиятли дамларда вилоятимизда яна бир хайрли ташаббус ўртага ташланди. Унга кўра, **жорий йилнинг 15 октябридан 15 ноябрга қадар вилоятнинг пахтакор туманларида "Зарбдор 30 кунлик" оммавий ҳашар — долзарб сафарбарлик ойлиги** эълон қилинди. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда вилоятимиз пахтазорларида ҳали биринчи терим ўтказилмаган майдонлар бор. Пахтаси йиғиштириб олинган майдонларда ҳам она табиятнинг беназир саховати билан мўл ҳосил нишонлари қайта юз очмоқда. Ана шу майдонлардаги ҳосилни нест-нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Ҳадиси шарифларда "Бир яхшиликам далолат қилган инсон ўша яхшиликни қилган қабилдир", дейилади. Шундай экан, биз барча аҳолига, хусусан, кўпни кўрган нурунийларга, дуоғўй отахону қайвони онахонларга, ҳамisha эл-юрт ичда юрган маҳалла оқсоқолларига мурожаат қилиб, улар орқали барчани — вилоятимиз хотин-қизлари, уй бекалари, ғайрати жўш урган уюшмаган ёшларни пахтазорларга қорлаймиз!

Бинобарин, пахта терими шу юрт меники, унинг қувонч ва шодлиги менинг ҳам қувонч-шодлигим, деб яшайдиган ҳар бир ор-номусли вилоятдошимизнинг муқаддас бурчидир. Аслида, ҳалол меҳнат ва деҳқончилик ила халқ дастурхонини тўкин қилиш ҳам беқиёс савоб, таъбир жоиз бўлса, улуг ибодатдир.

Ноннинг увоғи ҳам нон, дейдилар. Бугун барча-барчамиз ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, умумхалқ ишига қалб амри ва даввати билан ҳисса қўшмоғимиз, табиятнинг бебаҳо инъоми бўлган дуру гавҳарларни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олишимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Меҳнат ҳамisha инсонни улуғлаган. Яна бир бор кўплашиб эўр берайлик. Биз нималарга қодир эканлигимиз яна бир қарра амалда иботини топсин.

Шу азий Ватан — барчамизники! Унинг ҳар бир қариз ерида етиштирилган ҳосил ҳам ҳаммамизга баб-баравар дахлдордир.

Токи минг-минглаб деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнатлари зое кетишига йўл қўймайлик! Юртимизнинг муҳим бойлиги бўлмиш пахтани нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда камарбаста бўлайлик!

Ш. БАБАЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими
А. ФАРМАНОВ,
Ўзбекистон Қасри
М. ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири
С. АСАДОВ,
вилоят "Нуруний" жамғармаси
бошқарув кенгаши раиси
Х. ҲАМИДОВ,
"Маҳалла" хайрия жамғарма фонди
вилоят бўлими бошқаруви раиси
С. ФАЙЗИЕВА,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси
Д. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи
вилоят кенгаши раиси
У. МИРЗАҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси

Р. САИДОВ,
меҳнат фахрийси
Б. СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент Давлат аграр
университети ректори
Ғ. МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ Давлат педагогика
институтини ректори
З. АШУРОВА,
Ўзбекистон халқ артисти
А. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Т. МАТКАРИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Ш. САБИРОВ,
вилоят қасаба уюшмалари
ташкилотлари бирлашмаси раиси
Х. ТУРМАТОВ,
вилоят баш имом-хатиби

Муносабат

Бугун мамлакатимиз бўйлаб пахта йиғим-терими жадал давом этаётган бир пайтда мана шу савол ҳар бир замондошимизнинг қалбида акс-садо бериши керак.

Хирмонга бир қовуч ҳисса қўшдикми?

Азалдан меҳнатқаш халқмиз. Ҳалол меҳнатдан насиба топган, топган-тутгани тўйларга буюрган, кенгфеъл, мард ва матонатли инсонлар диёрдир юртимиз. Эл-юрт манфаати, равақ ва тақдири билан боғлиқ неки юмуш бўлса, баҳамжиҳатлик билан қирғиш, юрт юкига елка тутуш қонимизда бор. Кўпнинг кучи, маслаҳати, қўмаги билан не-не мушкулотларга осон ечим топилмаган, не-не синовлар енгиб ўтилмаган, дейсиз.

Бугун юртимизнинг беоён пахтазорларида жавлон уриб, меҳнат қилаётган азамат замондошларимиз, кўксига бамисли ўн йигитнинг шижоатини жойлаган отахону қайвони онахонларимиз, қўли гулу ўзи чевар хотин-қизларимиз, ғайрати ичига сифмаган ёшларимизнинг шижоатига боқиб, кўнгилдан шу ўйлар кечади.

Давоми 3-бетда. ➡



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар ва туманлар рўйхатлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

3. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: Халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳофама қилишда иштирок этиш ва ўз ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида;

Фермер хўжалигини ташкил этиш истагини билдирган талабгорларни танлаш, уларнинг захирасини шакллантириш, малакасини ошириб бориш ва улар орасидан муносиб номзодларни ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига ҳуқуқли бўлиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда ёшларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиш ҳақида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсиялар бериш;

Фермер ва деҳқон хўжаликлари юритиш учун ер участкаларини ажратиш юзасидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига ҳуқуқли бўлиш;

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўлаб судга давлат божни тўла-масдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш;

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш.

4. Белгилансинки:

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кен-

гаш деб юритилади) билан келишилиши шарт;

Кенгаш раиси лавозими бўйича "Агробанк" акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркибига кири-

тилади; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ҳамда мақоми бўйича уларнинг ўринбосарларига тенглаштирилади.

5. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига **комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилсин.**

Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга консалтинг хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, ҳуқуқий, иқтисодий, технологик соҳаларда маслаҳатлар бериш, бизнес-режалар тузишда кўмаклашиш; ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда реализация қилишда воситачилик хизматларини кўрсатиш;

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, уруғ ва ўчатлар, таралар, техника ва бошқа воситаларни етказиб бериш;

банк кредитлари, халқаро ва хорижий молиявий ташкилотларнинг кредит ва грантларини жалб қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича белгиланган тартибда қайта тайёрлаш, малака ошириш ўқув ва амалий курсларини ташкил этиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ва хизмат кўрсатишда кооперация муносабатларини ташкил қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

барча фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг тақдирлари инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмлар белгиланади;

ҳар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-ўй юриб, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказиш, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштирилдиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқлайди, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномадор тузилиши, экинларнинг тўлиқ ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томор-

қа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари эмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилади;

деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқсиз берилган ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги экинлари эмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

7. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

ҳар йили кейинги йил ҳосили учун экин экишдан бир ой олдин фермер хўжаликлари қисмида, контурлар ва экин турлари бўйича, тупроқ, иқлим, сув шароитидан келиб чиқиб, қаида икки марта ҳосил олинишини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилишини таъминласин;

ҳар йили 15 февралгача барча деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари қисмида етиштирилдиган маҳсулотларнинг прогноз ҳажмлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорлари асосида тасдиқланишини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг улгуржи истеъмолчилар, шу жумладан, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида, бозор маъмурияти билан эса етиштирилган маҳсулотни бевосита бозорда чакана сотиш тўғрисида шартномалар тузилишини тизимли равишда ташкил этсин;

қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ ва сифатли экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини замонавий ўлчов воситалари, шу жумладан, учувчисиз учини аппаратларидан (дронлардан) фойдаланган ҳолда доимий мониторинг қилиб бориш;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ эмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўрилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан улгуржи истеъмолчилар, шу жумладан, тайёр-

лов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари ўртасида шартномалар тузиш ва бажаришда қонунчиликка риоя қилиниши, шартнома интизомини бузганлиги учун тарафларнинг жавобгарликка тортилиши устидан тизимли назорат олиб бориш.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2017 йилнинг 1 ноябридан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан Кенгашга аъзолик бадаллари тўлаш учун ҳар йили пахта хом ашёси харид нарҳини ўрнатишда 0,8 фоиз миқдордаги маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси билан биргаликда Жамғарманинг ҳар йилда шаклландиган балансидан алоҳида бандда мазкур маблағларни ойма-ой акс эттирсин;

Марказий банк, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Кенгашга ўтказиш ва тасдиқландиган смета асосида харажат қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг агро-саноат комплексига маъсул бўлган ўринбосарига қишлоқ хўжалигида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

13. Кенгаш Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур қўчаси, 4-ўй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Кенгашга ажратилган бинони таъмирлаш ва жиҳозлаш манбалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларини зарур бинолар билан таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

«Бошлангич 1-бетда»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича
ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига шарҳ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг асосий қисми – фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида ушбу соҳада ўз ечимини кутиб турган масалаларни бугунги кун нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур Фармон ижросини тўлиқ ва сифатли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2017 йил 22 сентябрь кунги ўтказилган таъсис конференциясида белгиланган асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Ташкил этилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг самарали фаолият олиб бориши-

ни таъминлаш, ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳофама қилишда, ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ масалаларда иштирок этиш билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқлар берилди.

Таъкидлаш лозимки, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда ҳимоя қилиш ташкил этилган кенгашларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига бир қатор ваколатлар ҳам берилди.

Хусусан, қарорда:

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилиши шартлиги;

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси лавозими бўйича "Агробанк" акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркибига киритилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланиши ҳамда мақоми бўйича уларнинг ўринбосарларига тенглаштирилиши белгилаб қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ташкилий ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ўз ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашиш мақсадида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди.

Қарор билан Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди. Чора-тадбирлар дастурида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг молиявий барқарорлигини, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича 34 та муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Қарорда қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш, фермер, деҳқонларнинг ҳамда томорқа ер эгалари-

нинг шахсий маъсулиятини кучайтириш бўйича янгича тартиб жорий этилди. Унга кўра:

барча фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг тақдирларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмлар белгиланади;

ҳар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-ўй юриб, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказиш, уларда йил давомида экиладиган экин турлари ва етиштирилдиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган қисмларга ажратган ҳолда аниқлайди, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши, экинларнинг тўлиқ ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этади.

Қарорда белгилаб қўйилганидек: якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асоссиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари эмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори қўлланилади;

деҳқон хўжалиги юритиш учун уй-жой қуриш ҳуқуқсиз берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинлари эмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган

ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда бир қатор ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш, унга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида Молия вазирлиги 2017 йилнинг 1 ноябридан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан Кенгашга аъзолик бадали тўлаш учун ҳар йили пахта хом ашёси харид нарҳини ўрнатишда 0,8 фоиз миқдордаги маблағларни назарда тутиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда экин майдонларидан оқилона фойдаланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бинобарин, пахтанинг юрти-миз иқтисодиёти, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиши, қишлоқ ва шаҳарларимиз обод бўлиши, sanoatимиз ривожланиши учун аҳамияти қанчалик улкан эканлиги барчамизга яхши аён. Ота-боболаримиз азал-азалдан деҳқон меҳнати қадрлаб, етиштирилган ҳосилнинг бир миққолини ҳам несобуд қилмасдан йиғиб олишни савобли ва хайрли иш, деб ўқитиришган. Уволдан қўриққан. Исрофгар инсон кўр бўлади, дейишларди.

Худди шундай, пахта етиштиришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Буни билган билади. Билмаган лайлақ ҳайдаб юраверади. Пахта кўп миллилатли Ўзбекистон халқининг ҳалол меҳнати, очик ва оппоқ кўнгли, пок ниятларнинг рамзига айланиб кетган, десак янглишмаймиз. Бир ўйлаб кўринг-а, неча ўн минглаб замондошларимиз меҳнат қилиб, рўзгор тебратётган, бола-чака боқётган энгил sanoat корхоналаримизнинг йил бўйи барқарор ишлаши, юртимизнинг иқтисодий кудрати янада юксалишида мазкур қимматбаҳо sanoat хом ашёсининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Ўзимиз ҳам деҳқонмиз. Пахта оралаб юрганимизга ҳам олти-миш йиллардан ошди-ёв. Лекин ҳеч қачон пахтакорнинг меҳнати бу қадар қадрланганини эслабмайман. Бу ёғини сўрасангиз, жами 24 гектар ерда гўза парваришладик. Асл деҳқонлар билишадик, гўзанинг "тили" бўлади. Агротехник жараёнларда ўзи айтади, нима келсин.

◀ Бошланғич 1-бета.

раклигини. Деҳқон шунда экин атрофида гиргиттон бўлса, энг муҳими, парваришда алдамаса, кечикмаса бас – гўзадан "саховатли" экин йўқ, эгасини обдон сийлайди. Шу десангиз, қабул пунктларига биринчи те-

60-70 минг сўмдан нақд пул олиб кирганлар бўлди, ҳалол бўлсин!

Табиатнинг тантилигини қаранг, ҳали иккинчи терим шундоқ турибди. Оппоқ! Бу халқимизнинг насибаси бутунлиги-

ХИРМОНГА БИР ҲОВУЧ ХИССА ҚЎШДИКМИ?



римнинг ўзидаёқ 75 тоннадан зиёд пахта топшириб қўйдик. Бу ҳосилдорлик 30 центнердан ошди, дегани.

Ажойиб ва олижаноб одамларимиз бор. Шундай масъулиятли дамда елкадош бўлишди. Ҳўжалигимиз аъзоларидан ташқари, маҳаллий уюшмаган ёшлар, вақтинча ишсизлар, кўни-қўшнилари ёлғизлатиб қўйишмади. 120-150 килограммгача пахта териби, уйига қунига

дан, даромадимизга барака кираётганидан, пахтакорнинг бири икки бўлаётганидан далолат-ку, ахир!

Ҳозиргина вилоят ҳокимлиги, бир гуруҳ фаоллар ва зиёлиларнинг вилоятимиз аҳлига мурожаатини ўқиб чиқдим. Зап кўнгилдаги гаплар бўлибди. Тўғрида, кузнинг бир қуни ҳам ганимат. Қаранг, олтин кузнинг кейинги кунлари қуёшли, илиқ бўлиши кўтилмоқда экан, демак,

ҳосилни тез, сифатли ва нобудгарчиликсиз йиғиштириб олишимиз учун табиат бизга яна бир имконият бераёпти. Бундан фойдалана билишимиз, мазкур мурожаатга қалб амри ила "лаббай!", деб жавоб беришимиз шарт!

Энг муҳими, умумхалқ ҳашарида қатнашган кишининг кўнгли тўлади, кўпчилик олдида юзи ёруғ бўлади, қаддини баланд тутиб юради. Шундай экан, ҳар биримиз учун синов ҳисобланган масъулиятли мавсумда томошабон бўлиб қолмайлик. Зотан, четда турган одамда юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик ҳисси бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, пахта – бизнинг ризқ рўзимизнинг энг тўғри манбаи бўлиб келяпти. Серқуёш ўлкамизда пахта етиштирилиши ҳам Яратганнинг улуг бир неъматидир. Эгнимиздаги кийим-бошимиздан тортиб, таомни лавиз қиладиган мой ва кундалик ҳаётимизда, халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида фойдаландиган неча-нечалаб зарур буюм ва ашёлар айнан пахтадан тайёрланади.

Бугун барча-барчамиз ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, умумхалқ ишига қалб амри ва даввати билан ҳисса қўшмоғимиз зарур. Навоий бобомиз айтганларидек:

Тухум ерга кириб чечак бўлди,
Курт жондин кечиб ипак бўлди,
Лола тухмича гайратинг йўқму,
Ипак куртича ҳимматинг йўқму?

Файзиддин Ҳожи ота
ИБРОҲИМОВ,
Бўка туманидаги
"Салоҳиддин Фарангиз"
фермер ҳўжалиги раҳбари.

ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛСИН, ДЕСАНГИЗ...

Мамлакатимизда юзага келаётган ўзгариш ва янгиликлар, яъни ижобий ислохотлар жараёнидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида мурожаатлар билан ишлаш тизимининг янги усули қандай самара бермоқда? Кишиларни ўйлантираётган, қийнаётган масалаларни имкон қадар жойида ҳал этишга қанчалик эришиляпти?

□ Секторлар фаолиятдан

Шундай ўйлар оғушида Охангарон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи раҳбарлигидаги 3-сектор штаби жойлашган агроиқтисодиёт касб-ҳўнара коллежига йўл олди. Мазкур сектор "Қорасув-ёқа", "Сусам", "Чувулдок", "Илғор", "Гўшсой", "Чинор", "Четсув", "Кўксарой" маҳалла фуқаролар йиғинларини қамраб олади. Худудда 3 минг 570 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сектор раҳбари 28 нафар мутаасаддилардан иборат ишчи гуруҳ билан бирлигида маҳаллаларда ечимини кутаётган масалаларни ўрганиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга масъул.

Сентябрь ойи ҳолатига 2 минг 455 та хонадон ўрганилиб, 173 та муаммо борлиги аниқланди. Уларнинг 144 таси жойида ҳал этилди. Масалан, ишчи гуруҳ томонидан "Илғор" МФЙ худуддаги 75 та хонадонда ўрганиш чоғида аниқланган 10 та муаммо жойида ҳал этилди. Файзобод кўчаси, 84-уйда яшовчи фуқаро Ирода Матқобулованинг хонадони ижтимоий муҳофазага олиниб, маҳалла йиғини томонидан моддий ёрдам берилди.

Аниқланган муаммоларнинг 31 тасини йўл харитасига киритиш мў-

жалланган бўлиб, туман миқёсида ҳал этиладиган 28 та масала юзасидан туман ҳокимлигига тегишли ҳатлар жўнатилади. Ўрганишлар чоғида вилоят миқёсида ҳал этиладиган бир неча муаммолар борлиги ҳам аниқланди.

Ўтган ҳафта жамоатчилик гуруҳи вакиллари – Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, маҳалла йиғинлари раислари иштирокида ўрганиш натижаларининг ижроси билан танишдик. Секторга бевосита қилинган мурожаатларда ишсизлик муаммоси етакчи ўринда турибди. Ишга талабгор фуқароларнинг кўпчилигини коллеж битирувчилари ташкил этиши масаланинг ўта долзарблигини аниқлатади.

"Сусам" МФЙ, Наврўз кўчаси, 21-уйда яшовчи Мафтуна Омонова 24 ёшда, укаси Исрол эса 22 ёшда. Тумандаги агроиқтисодиёт, транспорт ва сервис касб-ҳўнара коллежларини тамомлаган бу ёшлар мутахассисликлари бўйича ишга муҳтож. Шу кўчадаги 24-уйда истиқомат қилаётган яна икки нафар коллеж битирувчиси ҳам ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга истагидан экан. Коллежда ҳисобчилик йўналишида ўқиган Ситора Ҳасанова

махсус курсда ўқиб, ошпазлик санъатини ҳам эгаллабди. Укаси Сарвар sanoat касб-ҳўнара коллежиди тахсил олган. Бироқ, 20 ёшли бу йигит ҳамон дипломини ологани йўқ. Маҳаллада, шунингдек, ичимлик суви, йўл-транспорт тизими, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам муаммолар талайгина.

Хонадонларни ўрганиш, фуқароларнинг мурожаатлари билан танишиш ва мулоқотлар чоғида секторлар фаолиятини янада жонлантириш зарур, деган ҳулосага келдик. Фуқаролар ҳамон худуддаги секторлик штабига эмас, туман марказидаги Халқ қабулхонаси ёки Президент порталига мурожаат қилаёпти. Ортиқча овозгарчилик юзага келяпти, вақт, маблағ йўқотиляпти. Ҳолбуки, мурожаатларнинг аксариди секторлар доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар кўтарилмоқда. Ҳозирги пайтда одамларни ташвишлантираётган муаммоларни бартараф этиш билан чекланибгина қолмасдан, профилактика тадбирларини янада кучайтириш зарурати тугиласин, фуқароларнинг давлат идораларига ишончини орттириш, уларнинг қайфиятига салбий таъсир қиладиган муаммолар пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим. Худудларда секторлар иши талаб даражасида ташкил этилмаса, аҳолини қийнаётган муаммоларга жойида ечим топишмаса мурожаатлар сони камаймайди, аксинча, ортиб бораверади.

Райхон САЛАЕВА.

□ Танлов

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари" кўрик-танлови ғолиб ва сириндорлари аниқланди.

КАСБИДАН КАМОЛ ТОПГАНЛАР

Мамлакатимизда келажагимиз эгалари – навқирон авлоднинг билим олиши, касб-ҳўнара ўрганиши, замонавий технологияларни ўзлаштириши, спорт билан шуғулланиши учун кенг имконият яратилган. Шу билан бирга ўғил-қизларнинг бўш вақтини умумий ва оқилона ташкил этиш, тўғарак ва секцияларга жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада "Баркамол авлод" болалар марказларининг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда уларда фаолият кўрсатаётган педагоглар болаларнинг қизиқишини тўғри йўналтириш, уларнинг билим олишга бўлган иштиқини кучайтириш, истеъдодини эрта аниқлашга фаол ҳисса қўшмоқда.

"Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари" танлови "Баркамол авлод" болалар марказлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг фаолиятини тарғиб қилиш, самарали натижаларга эришган педагогларнинг иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Лойиҳанинг илк bosқичларида мамлакатимиздаги барча "Баркамол авлод" болалар марказларининг вакиллари фаол иштирок этди. Якуний bosқичда қатнашчиларнинг услубий-педагогик фаоллиги, тўғарак ишининг самарадорлиги, амалий машғулот, тест топшириқлари, ўқувчиларни тўғаракларга тобора кўпроқ жалб этиш борасидаги билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

Танловда Бўстонлик тумани "Баркамол авлод" болалар марказининг "Мунчоқли безак" тўғарак раҳбари Тўхтажон Йўлдошева биринчи ўринга муносиб топилди. Тўхтажон Йўлдошеванинг ўз билим ва тажрибасини ёш авлод вакиллари пухта ўргатаётгани танлов ташкилотчилари ва ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

RESPUBLIKA BOLALAR BADIY IJODIYOT



2018 йил учун
«Тошкент ҳақиқати»
ва
«Ташкентская правда»
газеталарига
обуна
бошланди!

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – МУҲИМ МАСАЛА

Яқинда Ўрта Чирчиқ тумани, "Қумовул" худудидagi Навоий маҳалласи биносида бўлиб ўтган маърифий тадбир худди шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар тарбиясида ота-оналарнинг ўрни" мавзусида сўзга чиққанлар бугунги давр ёшларининг амалга ошираётган ишлари ҳақида алоҳида тўхталиш-

ди. Шунингдек, туман ИИБ вакиллари туманда ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўлидаги вазифалар ҳақида гапириб, бу муҳим масалада кенг жамоатчиликнинг

ҳамкорлиги ижобий самаралар беришини қайд қилдилар.

Тадбирда иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Муслима Тўраева,
туман бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси.



ХАЙРЛИ МАҚСАД, ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

2013 йилдан фаолият юрита бошлаган фабрикада 80 турдаги болалар ва катталарга мўлжалланган кийим-кечак тикилади. Бичиш, тикиш, қадоқлаш ишлари ҳам шу ернинг ўзида амалга оширилади.

Энг муҳими, маҳсулотнинг 70 фоизи экспорт қилинади. Қолгани эса, вилоятимиз ва пойтахт бозорларида сотилади.

– Россия билан доимий ҳамкорлик қиламиз, – Мамлакатимизда

– дейди раҳбар. – Уларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, талабларига мос маҳсулотни етказиб берамиз. Қуни кеча тайёр маҳсулот намуналарини Тожикистон ва Қирғизистонга юбордик.

3 киши билан иш бошлаган корхонада бугун 238 киши меҳнат билан банд. Бу ерда ишчиларга барча шарт-шароит муҳайё. Ҳатто, қатнов транспортни хизмати ҳам йўлга қўйилган.

– Мамлакатимизда

тадбиркорлик билан шуғулланиш учун имконият ҳам, қулайлик ҳам етарли, – дейди раҳбар ўринбосари Зоҳиджон Нажмиддинов. – Шунчаки, қонунларни бузмай, ҳалоллик билан ишлаш кифоя.

Келгуси йилда фабрика фаолиятини кенгайтириш режалаштирилган бўлиб, яна 30 та янги иш ўрни яратиш назарда тутилган.

Ирода НОРОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ

Қибрай туманидаги "Қўприқбоши" маҳалла фахрийларидан бир гуруҳи кўҳна ва ҳаминиша навқирон Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат қилишди.

Ташриф мустақил юртимизнинг Биринчи Президенти Исрол Каримов хотирасини ёд этишдан бошланди. Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида мангуликка қўним топган буюк инсонга эҳтиром сифатида қабр пойига гуллар қўйилиб, тиловат қилинди.

– Биринчи Президентимиз Самарқандни дунёдаги энг гўзал ва замонавий шаҳарлардан бирига – ер юзининг сайқалига яллантиришни ўз олдига мақсад қилган эди, – дейди меҳнат фахрийси Ўқтамқожи Расулматов. – Шаҳар айланган ҳар бир киши бу эзгу истаклар чинданда ижобат бўлаётганига гувоҳ бўлади.

Сафар давомида, шунингдек, Гўри Амир мақбараси, Шохи Зинда, Регис-



тон мажмуаси, Бибиҳоним масжиди, Мирзо Улуғбек расадхонаси каби таърихий обидаларга уюштирилган саёҳатлар ҳам отахону онахонларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбири.

«УЙМА-УЙ ЮРИБ...»

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Юқори Чирчиқ тумани кенгаши ташаббуси билан "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида эътиборга лойиқ ишлар амалга ошириляпти.

□ Партиялар ҳаётидан

Яқинда халқ депутатлари Юқори Чирчиқ тумани кенгашига сайланган депутат Малика Яхёевага "Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi Бўстон кўчаси, 2-уйда яшовчи Майрам Галибаева ногиронлик аравачаси сўраб, мурожаат қилди. Депутат ушбу мурожаат юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарига сўровнома юбориб, беғимно ногиронлик аравачаси билан таъминлашни ҳисса қўшди.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ўзининг ижобий ечимини топаётган бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Энг муҳими, партия кенгаши вакиллари томонидан аҳолининг ҳеч бир мурожаати эътиборсиз қолдирилмаёпти.

Юлдузхон
ҒАЛИЕВА.

□ Тиббиёт

Президентимизнинг тиббиёт вакиллари билан ўтказган учрашувларида соҳада баҳарлиги лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган эди.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ушбу вазифалар ижроси доирасида жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буни Чиноз туманидаги 62-оилавий поликлиника мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Саломатлик" лойиҳалари бўйича тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур муассасада педиатр, терапевт, жарроҳ, акушер-гинеколог, стоматолог, умумий амалиёт шифокорлари "Маданият", "Самарқанд", "Тонг юлдузи" ва "Сутбулоқ" маҳаллаларида истиқомат қилаётган 10 мингдан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ташхис қўйиш, даволаш, тиббий кўрик намуналар йўлга қўйилган муассасада асосий эътибор профилактика ишларини кучайтиришга қаратилган.

– Қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, малакали тиббий хизмат кўрсатишда бирламчи тиббиёт муассасаларининг аҳамияти катта, – дейди қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири Мухтарам Маматқариева. – Шу боис, биз манзилли дастур асосида аҳолига ўз вақтида зарур тиббий хизматларни кўрсатиш ва ишмиизнинг сифатини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида муассасамизда эрталаб соат 8.00 дан кеч соат 20.00 гача шифокорларнинг қабули ташкил этилган, тез тиббий хизмат бўлими навбатчилик қилади.

Айниқса, оналик ва бола-



лиқни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёллардаги касалликларни эрта аниқлаш ва уларни соғломлаштириш ишларида алоҳида эътибор қаратиляпти. Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳамда вилоятдаги етакчи мутахассислар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тиббий кўриклар ҳам самара бермоқда.

– Илгари арзимаган нарса учун туман марказига боришга мажбур эдик, – дейди "Маданият" маҳалласида истиқомат қилувчи 95 ёшли қаршилаган Нарзиқул Бўрибоев. – Энди эса бунга ҳожат қолмади. Поликлиникамизда барча шарт-шароит мавжуд. Шифокор ва ҳамшираларимизга раҳмат. Улар бизга зарур муолажаларни ўз вақтида кўрсатмоқда.

Бизга маълум қилишларига яқин кунларда поликлиника янги тез ёрдам машинаси, замонавий УЗИ ва ЭКГ аппаратуралари билан таъминланади. Бу эса, оилавий поликлиникада тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

МИНГ АСРЛИК СИНОАТ

Вақт тиним билмайди. Замонлар бир-бирини қувиб ўтаверади. Ҳаёт аталмиш тенгсиз неъматнинг қутилган-қутилмаган воқеаю ҳодисалари тарих зарварақларига мангуа муҳрланиб бораверади. Азалдан азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсон ҳамиша мозий хотираларини ёдга олиб яшайди. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ, деганлари шу...

Мазкур ҳаёт ҳақиқати узок ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи кўплаб ёдгорликларда ўз аксини топган. IX-XII асрларга мансуб сирланган сопол идишларда халқимиз урф-одатлари билан боғлиқ ажойиб рамзий белгилар учрайди. Бунда Тошкент воҳасига тегишли сирланган сопол буюмлар алоҳида ўрин тутади.

С. Илёсова, Ж. Илёсов, Р. Эгамбердиев ва Е. Исҳоқова каби олим-

ларнинг Тошкент воҳасининг сирланган сопол идишларига бағишланган илмий ишларида қадимий кулолларнинг бекиёс маҳорати, маслакларига ҳақида бой маълумотлар келтирилган.

Қадимий сопол буюмларда балиқ, қуш, шунингдек, гул ва мевалар тасвири кўп учрайди. Тошкент воҳасига тегишли сопол идишларда Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидагига нисбатан балиқ расми кам-

роқ учрайди ва у поклик, тинчлик ва фаровонлик рамзи ҳисобланади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги археологик ёдгорлик ҳудудида қадимшунослар ноёб топилма – буғу, аниқроғи, жайрон тасвирланган сопол идиш бўлакларига дуч келдилар. Ҳозирги кунда бу фавқуллоҳда гўзал кўҳна буюм Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда.


Марказий Осиё халқлари туёқли ёввойи ва хо-

наки ҳайвонларни жуда қадрлашган ва уларни омад, бойлик ва фаровонлик тимсоли ҳисоблашган. Физол (оҳу) эса Шарқнинг назм ва насрида гўзаллик, нафосат ва назокат рамзи бўлган. Шунингдек, омад келтирувчи қушлар тасвири ҳам кенг тарқалган.

Этиборга молик умумий бир ҳижат шундаки, бизнинг машҳур аждодларимизгина ўзлари яратган асарларда бахтли ҳаёт рамзи ва ифода-

ларини акс эттиришган. Ким билсин, ўша қадимий уста рассом келажак авлодларнинг бахтли яшашларини жуда-жуда истагандир. Агар биз ўша "минг асрлар ичра пинҳон" қадимий ёзувларни ўқий олсак ва тарих тилини ўқий билсакки аждодларга муносиб авлод бўламиз.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.



Спорт хабарлари

ҒАЛАБА СУРУРИ

Ангренда таълим муассасалари ўқувчилари ўрта-сида бокс мусобақаси ўтказилди. Ангрен бокс федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада 300 нафар иштирокчи жам бўлди.

Тошкент шахри, вилоятлар, шунингдек, қўшни Қозоғистондан келган Шокир Абдурасулов ва вакиллар қатнашган халқаро мусобақа қизгин кечди. Мурасасиз ва

шиддатли беллашув якунига кўра, ангренлик Шокир Абдурасулов ва Мирзакамрон Юнусов олтин медални қўлга киритди. Ёш боксчилари-



миздан Улугбек Ҳакимкулов 1-ўринни забт этган бўлса, Ақромжон Абдукаримов кучли учликдан жой олди.

Бу боксчи йигитлар шахардаги 53-умумтаълим мактабиди ўқишади. Улар олий тоифали спорт устаси Улугбек Мадусмонов раҳбарлигида ўз маҳоратларини ошириб бормоқда.

АТЛЕТИМИЗ РЕКОРД ЎРНАТДИ

Халқаро турнир доирасида ўтказилган эстафета баҳсларида Жавохир ўз жамоадосларини – Хислатжон Муроджонов, Шухрат Азимов ва Азамат Тауров билан бирга мусобақа рекордини ўрнатди ва олтин медал билан тақдирланди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Хуснида Аҳмедова ҳам 1500 метрга югуриш беллашувларида рекорд натижа қайд этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида енгил атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Олмалиқ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Жавохир Зокир-хўжаев рекордчилар қаторидан жой олди.



НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ БАҲСИ

Наманганда бадий гимнастика бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги якунланди. Бу мусобақада мамлакат чемпионатларида юқори натижаларни қайд этиб, саралашдан муваффақиятли ўтган қизлар ғолиблик учун беллашди.



Республика гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг тур-

ли ҳудудларидан келган энг истеъдодли гимнастикчилар ғолиблик учун куч сынашди. Беллашувлар

кўпкураш ва гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш йўналишларида ташкил этилди.

Тўп ёрдамида композиция ижро этиш бўйича вилоятимиз спортчиси Муштарий Бобоназарованинг чиқиши мусобақа ҳақамлари ва муҳлислар эътиборини қозонди. Юртимизнинг энг кучли гимнастикчилари билан тенгма-тенг рақобатлашган Муштарий бу гал учинчи ўринни эгаллаб, бронза медал билан тақдирланди.

ҚИЛИЧБОЗЛАР МАҲОРАТИ

Пойтахтимиздаги қиличбозлик мажмуаси мезбонлик қилган мусобақада мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва қўшни қозоғистонлик истеъдодли спортчилар ўзаро беллашди.

Қиличбозликнинг сабля йўналишида ўтказилган баҳсларда вилоятимиз вакили Жалолиддин Душамбоев рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Бирок, ҳал қилувчи жангда қорақалпоғистонлик Шерзод Мамутовга кичик ҳисобда имкониятни бой берган Жалолид-

Тошкент шаҳрида қиличбозлик бўйича 18 ёшгача бўлган спортчилар иштирокида "Умид" турнири бўлиб ўтди.



дин қумуш медал билан қифояланди.

Ушбу йўналишда қизлар ўртасидаги жамоавий беллашувларда Тошкент вилояти терма жамоаси

учинчи ўринни эгаллаб, совриндорлар қаторидан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«Кўҳна Туроннинг шонли ўтмиши»

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли рассом Имяр Мансуровнинг "Кўҳна Туроннинг шонли ўтмиши", деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилиш тадбирида тасвирий санъат аҳли, санъатшунослар, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А. Нуриддинов, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Х. Аминов, Академиклар А. Мирзаев, В. Бурмакин ва бошқалар таниқли рассом И. Мансуровнинг ижодий ва педагогик фаолияти, яратган асарларидаги услуб ва мавзулар ранг-баранглиги ёш ижодкорларга катта мактаб вазифасини ўтаётгани ҳақида сўз юритди.

Имяр Мансуров кўҳна Турон маданиятини, унинг шонли ўтмиши, тарихини ўрганиб, шу мавзуда қатор асарлар яратган. Бугунги кўргазма унинг кўп йиллик ижод маҳсули бўлиб, уларда тарихий лавҳалар жонлангандай бўлади. Чизмалардаги мавзунинг қизиқарлилиги, сюжетнинг ҳаракатчанлиги, чизгиларнинг нозиклиги, атлас рангларнинг товланиши киши эътиборини тортади. "Қушон шахзодаси меҳмонлари билан овда", "Олтин одам. Жанг", "Қушон шахзодаси малика билан", "Амир Темур", "Афросиёб", "Ипак йўли", "Ғалаба билан қайтиш", "Тўмарис", "Афросиёб маликаси", "Бибиҳоним" каби картиналарда буюқ тарихимиз ранглар, деталлар, миникалар, ҳолатлар орқали моҳирона талқин этилган. Кўргазмада рассомнинг эллиқдан ортқирангтасвир асари намоиш этилмоқда.

Ў.А.

Соғинч

ОТАМДАН ҚОЛГАН БОҒЛАР

жар, токи ўзингни ўзинг алдама! Кетмон ўрнига техника ихтиро қилмоқчи бўлсанг, фақат ўқи! Илмни меҳнат билан бойитсанг, нонинг бутун бўлади, – дея таъкидлардилар отам.

Бадий китоб ўқишни ниҳоятда севган отамиз укамдан 3 ёш катта бўлишига қарамай, кутубхоначизимизни келин қилди. Биз ҳам бўш қолдик дегунча, китоб ўқишга тутинардик. Агар бирор иш вақтида баҳарилма қолса, "китобни ўқиб тугатдим" десак, индамай қўяқолардик...

Ҳа, қишлоқнинг меҳри иссиқ, бағри қайноқ. Қани, энди ҳам ўша меҳрини топа оламиз?

Отамиз умрининг охиригиди дамларига кетмон билан тиллашди, ер чопди, ҳосил етиштирди. Бошқалардан ҳам ёрдамини аямасди. Шундай кунларнинг бирида деҳқончиликда нафақат қишлоқда, балки туманда ном қилган раҳбарлар отамни йўқлаб келишди.

– Қодир ака, сиз ернинг тилини яхши тушу-

Отам кекса бўлса-да, раҳбарларнинг сўзини икки қиллолмади. 70 ёшдан ошганига қарамай, лимон экиш ва парваришлаш ишларига киришиб кетди.

Орадан икки-уч йил ўтиб, лимонлар ҳосилга кирди. Бешинчи йили катта ҳосил олинди. Бир кун тумандаги тадбирдан хурсанд ҳолда қалин гилам ва телевизор билан кириб келдилар. Бу совғалар туман раҳбарияти томонидан ҳалол меҳнат эвазига берилган мукофот эди.

Шу тариқа туманда лимончилик йўлга қўйилди. Отам укаларимнинг ҳовлиларида ҳам иссиқхоналар ташкил этишда кўмаклашди. У ерда ҳам тер тўкиб, меҳнат қилди, деҳқон бозорларини ҳам лимон билан таъминлади. Ҳалол меҳнатдан топилган даромад эвазига тумандаги бир гуруҳ қариялар билан Ҳаж сафарига отланди.

Энг қувонарлиси, Ҳаж сафаридан қайтган отам умуман бошқа одамга айланди. Ўз-қўзларида мамнунлик ва меҳр



Антиқа «мешкоб»

Йилнинг қайси фаслида бўлмасин сафарга, сайхатга ёки табиат қўйнида дам олишга чиққанда сув жуда зарур бўлади. Бахтга қарши ҳар доим ҳам идишда керагича сув олиб юриш имкони бўлмайди.

Чамаси, бу муамманинг ечими топилди. Мутахассислар "HYDRO Series Filtration Bottle" деб номланувчи мешкобсимон филтёр яратди.

Таъки қўйниши кичик шиша идишга ўхшайдиган бу қурилмага сув тўлдириб, ундан найча ёки спортчиларники сингари анъанавий клапан орқали фойдаланиш мумкин.

"HYDRO Series Filtration Bottle" мешкоби сувни тозалаш-

да бир неча қаватли филтёрдан фойдаланади. Биринчи ва асосий филтёр – бу кўмир. Шунингдек, қопқоғига ҳимоя тўри ва яна бир филтёр ўрнатилган. Буларнинг барчаси идишга олинатган сувга хавфли микроорганизмлар тушишини 99,99 фоизгача чеклайди ва идишга паразитлар киришига йўл қўймайди. Ихтирочиларнинг қайд этишича, филтёрлар 1500 марта ишлатилиши мумкин.

Иммунитетни кучайтирувчи янги препарат

Аксарият ўсмалар чигал қон томирларидан тўсиқ ҳосил қилиш орқали организмнинг иммунитет тизимидан ҳимояланади.



Мутахассислар турли одамларнинг соғлиқ ҳолатини уларнинг ташқи кўринишига қараб баҳолаш учун кўнгиллилар иштирокида сўров ўтказди.

Тадқиқот натижасида, самимий табассум қилувчи одамлар нейтрал ёки ҳамгин кайфиятдагилардан кўра соғломроқ кўриниши маълум бўлди.

Бундан олдин Фарбий Онтаро уни-верситети олимлари табассум қилувчи одамнинг ёши каттароқ кўринишини исботлаган эди. Бундай инсон-

мини топишди.

Улар ишлаб чиққан янги препарат ўсмада нормал қон томирлари ва лимфа тугунларига ўхшаш тузиллини шакллантиради. Шу орқали иммунитет тизимиди ички томондан ўсмага қарши курашиш имконияти пайдо бўлади. Ўтказилган тажрибалар янги дори ошқозон ости безлари ва ўпка саратони муолажасининг самарасини ошириши мумкинлигини кўрсатди.

Кулинг, соғлом кўринасиз

Буюқ британиялик тадқиқотчилар табассум қилиб юрувчилар ҳамгин одамларга нисбатан соғлом кўринишини аниқлади.

лар бошқаларга нисбатан икки ёш каттароқ кўринади. Тадқиқотчилар фикрича, бунга табассум туйғули кўз атрофида пайдо бўладиган ажинлар сабаб бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



"Тошкент ҳақиқати" газетасининг навбатдаги сони 21 октябрда чиқади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилымы: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@uam.uz	Телефонлар: Қабулхона: 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10 Масъул котиб: 233-79-96 Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ Нозаратчи мусахҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХЎЖАЕВ
--	--	--	--	--	---